
Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди
Бугун қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Абдуқаҳҳор Қодиров ва вилоят прокурори ўринбосари Фарҳоджон Исмоиловлар Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев ҳамроҳлигида туманда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

Тошлоқ тумани марказий ММТПда секторлар ва фермер хўжалиги раҳбарлари, соҳа мутахассислари, бириктирилган вакиллар иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар қишлоқ хўжалиги соҳасида айни кунларда амалга оширилаётган барча ишлар белгиланган ҳосилни йиғиштириб олишда муҳим эканлигига эътибор қаратди.

А.Қодиров туманда ҳозирда бошоқли дон парвариши, минерал ўғит билан тўйинтириш, озиклантириш, чигит экиш ишларини қисқа муддатда тугатиш ҳамда йўлдош экин сифатида соя экинини экин бўйича топшириқлар берди.

2021-04-05 17:01:23